

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 10-ҳадис

10 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «هَلَكَ الْمُتَنَطِّعُونَ» قَالَهَا ثَلَاثًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

«الْمُتَنَطِّعُونَ»: الْمُتَعَمِّقُونَ الْمُشَدِّدُونَ فِي غَيْرِ مَوْضِعِ التَّشْدِيدِ.

Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«(Ноўрин қаттиқлик қилиб), **чуқур кетувчилар ҳалок бўлишди**», деб уч марта айтдилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Фарзандларим, бу ҳадис буюк диннинг асл қоидаларидан биридир. Ислом, ҳар-бир буюрган ва ман этган нарсада кишиларнинг ҳолати ва шароитини ҳисобга олади. Динимиз фақат қурби етадиган ва фойдали нарсага буюради. Содиқ мусулмон Аллоҳ ва расули буюрган нарсага оғишмай амал қилади. Шу билан бирга, кўпчиликка машаққат туғдирадиган ва бошқаларга малол келиб, оғирлик қиладиган ишларни бажаришда эҳтиёт бўлади. Масалан, буюк саҳоба Муоз ибн Жабал масжидда жамоат намозини узайтириб юборганларида Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам бундан ман қилиб, одамларга оғир келмайдиган даражада намозни енгил ўқишга буюрдилар. Расулulloҳ с.а.в. барча буюрган амалларида раҳмдил, енгиллаштирувчи ва мулойим эдилар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

Кескинлик ва қаттиқлик баъзида инсонни ҳалокат сари етаклайди. Кўпинча кескинлик йўлини танлаб, ибодатларда чуқур кетганлар ўзларини кўп машаққатга қўйгани сабаб, бора-бора ибодатларни адо этишдан безиб, сустлашиб кетади, хатто амалларни тарк қилади. Нафақат ўзига, балки

бошқаларга ҳам зулм қилиб қўяди. Ана шундай ғулувга кетувчилар масалан, бемор одам ўтириб ёки касаллиги сабабли уйда намоз ўқишига ҳам рухсат беришмайди. Аслида эса мусулмон шахс одамлар диндан безиб кетмаслиги, ёқтирмай қолмаслиги учун ҳам камчиликка ҳам, ғулувга ҳам кетмаган ўртача йўлни тутати. Ўзининг нафсига машаққат туғдирган тақдирда ҳам, бошқаларга машаққат туғдирмайди, малоллик келтирмайди.

Манба: hadis.islom.uz

